



100186, Toshkent
Abdulla Qodiriy ko'chasi, 1

Tel.: (+99871) 239-02-07 fax. 239-02-38
E-mail: supcourtuz@mail.ru

1, Abdulla Kadiri street,
Tashkent, 100186

Қ А Р О Р

Тошкент шаҳри
2112/1720-сонли иш

2022 йил 24 февраль 4-1001-

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати К.Давлетованинг раислигида, судьялар Ш.Махмудов ва Б.Исраиловдан иборат таркибда, А.Файзиевнинг котиблигида, “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти вакили вакили Б.Даулетов (2022 йил 5 январдаги 08-12/4-сонли ишончнома асосида), жавобгар “Кафолат суғурта компанияси” акциядорлик жамияти вакиллари Н.Азимова (2021 йил 30 декабрдаги 11-10/3280-сонли ишончнома асосида) ва Н.Шоназаров (2021 йил 30 декабрдаги 11-10/3279-сонли ишончнома асосида)нинг иштирокида, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг даъвогар “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти манфаатида жавобгар “Кафолат суғурта компанияси” акциядорлик жамиятидан 58 632 321 сўм суғурта товони ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича юритилган иш юзасидан Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2021 йил 8 октябрдаги ҳал қилув қарори ва Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 24 ноябрдаги қарори устидан жавобгар томонидан берилган кассация шикоятини асосида ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Ишдаги ҳужжатларга кўра, “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти томонидан берилган UA 4810036, UA 5567961, UA 5364189, UA 5364846, UA 5296766, UA 4487686, UA 4655019, UA 5524752, UA 4912994, UA 5738506, UA 5661791, UA 5149349, UA 5590747, UA 5620719, UA 5728492, UA 5539044, UA 5661869, UA 5365745, UA 55485629, UA 5663185, UA 5141959, UA 5661791, UA 5588644 ва UA



5671264-сонли суғурта полислари бўйича транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги суғурта қилинган.

Шундан сўнг “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти (Суғурталовчи/Қайта суғурта қилдирувчи, бундан буён матнда даъвогар, АЖ деб юритилади) ва “Кафолат суғурта компанияси” акциядорлик жамияти (Қайта суғурталовчи, бундан буён матнда жавобгар, АЖ деб юритилади) ўртасида 2013 йил 1 мартда 021/KFL-AGRO-2013-сонли “Факультатив қайта суғурта ва ретроцессияни амалга оширишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида” шартнома тузилган бўлиб, ушбу шартнома тарафлар ўртасида қайта суғурта (ретроцессия) соҳасида ҳамкорликнинг қоидалари ва тартибини белгилаган.

Тарафлар ўртасида қайта суғурталаш слиплари асосида юқорида қайд этиб ўтилган суғурта полислари бўйича транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги қайта суғурта қилинган.

Кейинчалик суғурта полислари бўйича суғурта ҳодисаси юз берган ва “Ўзагросуғурта” АЖ томонидан суғурта товонлари тўлов топшириқномаларига асосан суғурта қилдирувчиларга тўлаб берилган.

Ўз навбатида, “Ўзагросуғурта” АЖ “Кафолат суғурта компанияси” АЖга 14-08/3062, 14-08/3063 ва 14-08/3064-сонли хатлар билан мурожаат қилиб, қайта суғурталаш слипларига асосан суғурта товонларини тўлаб беришни сўраган.

Бироқ суғурта товонлари жавобгар томонидан тўлаб берилмагач Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 58 632 321 сўм суғурта товони ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2021 йил 8 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 56 137 840 сўм суғурта товони ундирилган. Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад қилинган.

Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 24 ноябрдаги қарори билан биринчи инстанция судининг 2021 йил 8 октябрдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Мазкур суд қарорлари устидан жавобгар кассация шикояти билан мурожаат қилиб, суд қарорларини бекор қилиш, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилиш сўралган. Бунга асос қилиб, шикоятда судлар томонидан жавобгар тақдим этган далиллар



инобатга олинмасдан моддий ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилиб, процессуал қонун талабларига риоя этилмаганлиги, хусусан судлар “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 23-моддасининг тўртинчи қисми ва “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш Қоидалари”нинг

58-бандига асосланиб қарор қабул қилганлиги, бу эса амалдаги суғурта қонунчилигига зид эканлиги, ишдаги бугунги кунда қонуний кучда бўлган маъмурий ва жиноят ишлари бўйича суд қарорлари (ажримлари ва ҳукмлари)да содир бўлган ЙПХ натижасида етказилган тан жароҳатлари бўйича моддий зарарлар айбдор (суғурта қилдирувчи)лар томонидан қопланганлиги ва фуқаро (жабрланувчи)лар айбдорларга нисбатан даъвоси йўқлигини билдирган бўлса-да, даъвогар томонидан жабрланувчиларга суғурта қопламаси тўлаб берилганлиги, етказилган битта зарар учун суғурта қилдирувчи (айбдор) ва суғурталовчи (“Ўзагросуғурта” АЖ) томонидан тўлов амалга оширилганлиги, бу билан суғурталовчи мансабдор шахслари суғурта қонунчилигини бузганлиги, ушбу ҳолат бўйича хусусий ажрим чиқариш тўғрисидаги жавобгарнинг аризаси қаноатлантирилмаганлиги, иш ҳолатларига аниқлик киритиш мақсадида Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги бўлими бошлиғи С.Қудратов ва мутахассис К.Икрамова томонидан хулоса тақдим этилганлиги, С.Қудратов 2017 йил 14 ноябрдан 2020 йил 6 ноябргача жавобгар компанияда турли лавозимларда ишлаган бўлиб, у ўтмишда жавобгарга хизмат юзасидан тобе бўлганлиги сабабли рад қилиниши лозимлиги, шу сабабли жавобгар томонидан мутахассис С.Қудратовни рад қилиш тўғрисида 2021 йил 6 октябрда ариза берилганлиги, лекин ариза суд томонидан инобатга олинмаганлигини кўрсатган.

Суд мажлисида жавобгар вакиллари шикоятни қўллаб-қувватлаб, ўз тушунтиришларида мутахассис сифатида муқаддам жавобгар ташкилотда ишлаган ва ҳозирда Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги мутахассиси С.Қудратов фикрнома берганлиги, жавобгар томонидан ушбу мутахассисга раддия берилганлиги, бироқ суд буни инобатга олмаганлиги, даъвогар томонидан жабрланувчиларга нотўғри пул тўланганлиги, сабаби маъмурий ва жиноят ишлари бўйича суд қарорлари, ажримлари ва ҳукмларида жабрланувчилар зарар қопланганлиги ва айбланувчиларга даъвоси йўқлигини билдиришганлиги, суғурта зарарни қоплаш учун тузилиши, бу ҳолатда зарарлар қопланганидан сўнг даъвогар томонидан яна



суғурта қопламасы тўлаб берилиши нотўғри эканлигини билдириб, шикоятни қаноатлантиришни сўради.

Даъвогар вакили жавобгар вакиллари касация шикоятига эътироз билдириб, С.Кудратов дастлаб судда мутахассис сифатида қатнашиб оғзаки фикр берганида унга нисбатан жавобгар томонидан эътироз билдирилмаганлиги, ёзма фикрнома тақдим этганидан сўнг мутахассисга раддия берганлигини, жабрланувчиларнинг мурожаатлари бўйича суғурта қопламасы тўлаб берилганлиги, даъвогар томонидан жабрланувчиларга қанча моддий зарар қопланганлигидан қатъи назар суғурта қопламасы тўлаб берилиши лозимлиги, даъвогар суғурта ҳодисаси юз берганда жавобгар розилигини олмасдан зарарни тўлаб бериш ҳуқуқи слип шартларида акс этганлигини билдириб, шикоятни қаноатлантиришни рад қилишни сўради

Судлов ҳайъати ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини тинглаб, кассация шикоятини ишдаги ҳужжатлар билан биргаликда муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра ҳал қилув қарорини ва қарорни ўзгаришсиз, кассация шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Ишдаги ҳужжатлар ва тарафларнинг тушунтиришларидан тарафлар ўртасида қайта суғурталаш слиплари асосида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги қайта суғурта қилинганлиги ва ушбу суғурталанган транспорт воситалари билан боғлиқ ҳолда Йўл транспорт ҳодисалари юз берганлиги ва жабрланувчиларга айбдор (суғурта қилдирувчи)лар томонидан зарар етказилганлиги ва суғурта полислари бўйича даъвогар томонидан зарар суммалари суғурта қопламасы сифатида тўлов топшириқномаларига асосан суғурта қилдирувчиларга тўлаб берилганлиги тасдиқланган.

Биринчи инстанция суди суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги бошқа шахсларга зарар етказилганлиги суд қарорлари билан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблаб, жавобгарнинг 22 та суғурта полислари бўйича чиқарилган суд ҳужжатларига асосан жабрланувчи ёки унинг меросхўрларига етказилган зарар қопланганлиги сабабли ёки ярашиш муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритиш тугатилганлиги ҳолатларига асосланиб даъво талабини рад қилиш тўғрисидаги важлари билан келишмай, бироқ суғурта товони бўйича ҳайдовчи полисга мажбурият қайта суғурта бўйича берилгандан кейин киритилганлигини инобатга олиб, даъво талабининг 2 494 501 сўм қисмини қаноатлантиришни рад этиш, қолган 56 137 840 сўм қисмини қаноатлантириш



ҳақида хулосага келган.

Апелляция инстанция суди биринчи инстанция судининг хулосаси билан келишиб, асосли тўхтамга келган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236-моддасига асосан мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) 23-моддасининг тўртинчи қисми ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сон қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш Қоидалари” (бундан буён матнда Қоидалар деб юритилади)нинг 58-бандида жабрланувчи (унинг меросхўри) ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига бошқа манбалардан олган тўловлар суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятини камайтирмаслиги белгиланган.

Суғурта шартномаси жабрланувчи (унинг меросхўри) ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича суғурта компаниялари учун мажбурият келтириб чиқарувчи бирламчи ҳужжат ҳисобланиб, суғурта компанияси шартномага асосан олган мажбуриятларини бажариши шарт.

Мазкур ҳолатда кассация инстанцияси суди жавобгарнинг етказилган зарар учун икки маротаба, яъни суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи томонидан тўлов амалга оширилганлиги, бунда масъул шахслар томонидан суғурта қонунчилигини бузилишга йўл қўйилганлиги тўғрисидаги вазлари билан келишмайди, сабаби Йўл транспорт ҳодисаси натижасида жабрланувчиларга етказилган зарарларни қоплаб берилганлиги суғурталовчининг суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларига таъсир қилмайди, ушбу зарар айбдор томонидан қопланиши ёки унга жабрланувчининг даъвоси йўқлигидан қатъи назар асосий шартнома бўйича суғурталовчининг жабрланувчига суғурта товонини тўлаш мажбурияти мавжуд бўлади.

Қайта суғурта қилиш бўйича слип шартларида тарафлар асосий шартнома бўйича суғурта ҳодисаси юз берганлиги тан олинганда Қайта суғурта қилдирувчи мустақил равишда суғурта эътирозини кўриб чиқиши ва қайта суғурталовчининг розилигисиз суғурта қилдирувчига суғурта қопламаси



тўловини амалга ошириши келишилган.

Шунга кўра кассация инстанцияси суди даъвогар томонидан жабрланувчиларга суғурта қопламаси асосий суғурта шартномаси шартларидан келиб чиқиб тўлаб берилган, ушбу тўланган сумма қайта суғурта қилиш шартномаси шартларига асосан қайта суғурталовчи ҳисобидан қайта суғурта қилдирувчи ҳисобига тўлаб берилиши лозим деб ҳисоблайди.

Иш биринчи инстанция судида кўрилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида” 413-сон Қарорининг 3-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги суғурта фаолиятини тартибга солишни ва ривожлантиришни амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органига суд томонидан экспертиза тайинланиб, судга 2021 йил 9 сентябрда такдим этилган хулосада ҳам Қонуннинг 23-моддасига асосан суғурталовчи жабрланувчи (унинг меросхўри) ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар бўйича жавобгарлик олиб бориши лозимлиги тўғрисида хулоса берилган.

Жавобгар вакили биринчи инстанция судига 2021 йил 6 октябрда ариза такдим этиб, унда эксперт сифатида хулоса берган С.Қудратовни рад қилишни ва хулосани инобатсиз қолдиришни сўраган.

Биринчи инстанция суди ушбу аризадаги важларни ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2014 йил 20 июндаги “Иқтисодий судлар томонидан экспертизага оид қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 261-сон Қарорининг 20-бандида ИПК 74-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ ҳеч қандай далил суд учун олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмаслиги, суд эксперти хулосаси суд томонидан бошқа далиллар билан бир қаторда, ҳар томонлама, тўлиқ ва холис текширишга асосланган ўз ички ишончи бўйича баҳоланиши” тўғрисида тушунтириш берилганлигини инобатга олиб, ушбу ариза билан келишмаган.

Кассация инстанцияси суди жавобгарнинг биринчи инстанция суди томонидан Қонун 23-моддасининг тўртинчи қисми ва Қоидаларнинг 58-бандига асосланиб қарор қабул қилганлиги, бу эса амалдаги Қонуннинг 3-моддасига зид эканлиги тўғрисидаги важларини бул қилмайди.

Қонуннинг 3-моддасида суғурта ҳодисаси - транспорт



воситасидан фойдаланишда жабрланувчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилганлиги учун суғурта қилдирувчининг ёки транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича жавобгарлиги суғурталанган бошқа шахснинг фуқаролик жавобгарлиги юзага келиши бўлиб, бу суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш мажбуриятини келтириб чиқариши белгиланган.

Ушбу ҳолатда юқорида қайд этилган қонун нормаларида бир-бирини инкор этувчи ҳолатлар назарда тутилмаган.

ИПК 302-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига кўра, моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Мазкур ҳолатда судлар томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига риоя этган ҳолда иш бўйича қонуний қарорлар қабул қилинган бўлиб, суд қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос мавжуд эмас.

ИПК 301-моддасининг 1-бандига кўра, кассация инстанцияси суди кассация шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартиришсиз, кассация шикоятини (протестини) эса қаноатлантормасдан қолдиришга ҳақли.

Бинобарин, судлов ҳайъати кассация шикоятини қаноатлантормасдан, ҳал қилув қарорини ва қарорни ўзгартиришсиз, қолдиришни, ИПКнинг 118-моддасига асосан кассация шикояти билан судга мурожаат қилишда тўланган давлат божи ва почта харажатлари жавобгар зиммасида қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 301 ва 303-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати

қ а р о р қ и л д и:

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2021 йил 8 октябрдаги ҳал қилув қарори ва Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 24 ноябрдаги қарори ўзгартиришсиз, жавобгарнинг кассация шикояти қаноатлантормасдан қолдирилсин.

Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Раислик қилувчи
К.Давлетова



ҳайъат аъзолари
Ш.Махмудов

Б.Исрайлов

Ҳужжат имзоланган: Исрайлов Бахтиёр Адилович, 02.03.2022

